

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

34-сон
(378)
2009 йил
24 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

368. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2007 йил 1 июндаги ПҚ–646-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 августдаги ПҚ–1175-сон қарори

Учинчи бўлим

369. «2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги 232-сон қарори

370. «Илмий ходимлар меҳнاتини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори
371. «Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 234-сон қарори
372. «2009 — 2011 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 августдаги 236-сон қарори
374. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг давлат ахборот ресурсларини ҳамда интерактив давлат хизматларини ҳисобга олишни такомиллаштиришга оид айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 августдаги 239-сон қарори
375. «Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати-га қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 августдаги 241-сон қарори

Бешинчи бўлим

376. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 11 августдаги 50, 82-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1995*)
377. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган галла учун ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 31 июлдаги 77, 20/5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 657-5*)
378. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош

директорининг 2009 йил 5 августдаги 2009-42-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-1*)

379. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 31 июлдаги 78, 20/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1627-1*)

380. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 31 июлдаги 76, 20/6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 612-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 15 августдан 21 августгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****368 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2007 йил 1 июндаги ПҚ–646-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 июндаги ПҚ–1134-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2007 йил 1 июндаги ПҚ–646-сон қарорига 4-илоvasи унинг 1-бандига берилётган қўйидаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Ностандарт, тежамсиз печларни энергия тежайдиган махсус технологияларга алмаштирмаган, шунингдек солиштирма сарф-харажатларнинг белгиланган нормаларидан ортиқ ҳажмда табиий газ истеъмол қиладиган пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга табиий газнинг берилиши амалдаги улгуржи нархлар бўйича амалга оширилади».

2. Белгилансинки, киритилаётган ўзгартиш 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 август,
ПҚ–1175-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

369 2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноат- ни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модерни- зация қилиш дастури тўғрисида

Наманган вилояти саноатининг салоҳиятини, биринчи навбатда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал хом ашёни саноат йўли билан чуқур қайта ишлаш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш негизда янада ривожлантириш, шу асосда аҳолининг иш билан бандлигини ва даромадларини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Наманган вилояти саноатини истиқболли ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

нефть-газ, автомобиль, электротехника саноати ва темир йўллар учун материаллар, хом ашё, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарнинг юқори технологияли, шу жумладан маҳаллийлаштирадиган ишлаб чиқаришларини ташкил этиш;

биринчи навбатда тайёр ип-газлама, трикотаж полотно, тайёр тикув ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик ва тикувчилик саноати корхоналарини ривожлантириш;

пиллани етиштириш ва дастлабки қайта ишлашдан бошлаб замонавий ипак ва аралаш матолар, шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига оладиган ипакчилик саноатини кенг ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан мева-сабзавот ва гўшт, сут маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш, қорамоллар ва қўй-эчкилар териси ва жунини қайта ишлаш;

биринчи навбатда, маҳаллий хом ашё базасида қурилиш материаллари, шунингдек замонавий том ёпиш ва пардозлаш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 июлдаги Ф–3215-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Ишчи комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга ишлаб чиқилган 2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этишнинг аниқ йўналтирилган дастури 2-иловага* мувофиқ;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этишнинг аниқ йўналтирилган дастури 3-иловага* мувофиқ;

уларнинг базасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ташкил этиладиган минерал хом ашё конлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

янги лойиҳаларни ташкил этишнинг аниқ йўналтирилган дастури ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда янги корхоналар ташкил этиш топшириқлари 5 ва 5.1-иловаларга* мувофиқ;

истикболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари 6-иловага* мувофиқ;

кооперациялашган етказиб беришлар асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирган ҳолда йирик саноат корхоналарида хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш параметрлари 7-иловага* мувофиқ;

2009 — 2012 йилларда тармоқлар ва туманлар бўйича янги иш ўринлари ташкил этиш параметрлари 8, 8.1 — 8.4-иловаларга* мувофиқ;

2009 — 2012 йилларда иш билан банд бўлмаган аҳолини жалб этишнинг асосий йўналишлари бўйича янги иш ўринлари ташкил қилиш параметрлари 9, 9.1 — 9.4-иловаларга* мувофиқ.

3. 2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи комиссияга (Р.С. Азимов) вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларга мувофиқ амалга оширилиши билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш функцияси юклансин.

4. Наманган вилояти ҳокимлиги, 2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури амалга оширилиши учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари:

ўн кун муддатда — Дастур параметрларининг вилоятдаги барча туманларга ва Наманган шаҳрига, шунингдек манфаатдор ташкилотлар ва корхоналарга аниқ тарзда етказилишини таъминласинлар;

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг мўлжалланган ҳажмлари ўзлаштирилиши ва иш ўринлари ташкил этилиши бўйича Дастур параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

барча параметрлар бўйича Дастур параметрлари бажарилиши мониторинги олиб борилишини ташкил этсинлар ва ижро этувчилар сифатида Дастурга киритилган корхоналарнинг муаммоли масалаларини ҳар ўн кунда

* 1 — 9.4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

кўриб чиқсинлар, уларни ҳал этиш юзасидан зарур тезкор ва амалий чоратадбирлар кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Манополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда самарасиз фойдаланилаётган ва фаолият кўрсатмаётган қувватлар, банкрот корхоналар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ҳудудлари негизида, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш ишларини давом эттирсинлар;

ҳар чоракда Ишчи комиссияга Дастурнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсинлар.

5. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича махсус комиссия (Р.С. Азимов) 7-иловада кўрсатилган лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига белгиланган тартибда киритсин.

6. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурига киритилган лойиҳаларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг раҳбарлари, Наманган вилояти ҳокимлиги, манфаатдор хўжалик бирлашмалари Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашувчи корхоналарга раҳбарлик лавозимларини касб бўйича тайёрланган, тажрибали, биринчи навбатда, қўйилган вазибаларнинг бажарилишини таъминлашга қодир бўлган маҳаллий кадрлар билан таъминлашда, шунингдек уларнинг малакасини оширишни тизимли асосда ташкил этишда қўмаклашсинлар.

8. Наманган вилояти ҳокимлиги:

бир ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасига маҳаллий хом ашё негизида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этувчи корхоналар томонидан 4-иловага мувофиқ конларда фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш учун ер ости участкаларидан фойдаланиш ҳамда 10-иловага* мувофиқ участкаларда геология-қидирув ишларини ўтказиш ҳуқуқига лицензиялар олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар пакетларининг тақдим этилишини ва лицензиялар олинган тақдирда ер участкаларининг ўз вақтида ажратилишини таъминласин;

икки ой муддатда — паррандалар ўстириш ҳамда парранда гўшти ва тухум

* 10-илова рус тилидаги матнда берилган.

етиштирувчи корхоналарга чорва озукаси етиштириш учун зарур ер участкаларини белгиланган тартибда ажратсин;

уч ой муддатда — «Водий ипаги» масъулияти чекланган жамиятга пилла етказиб берувчилар учун хом ашё базаси яратиш мақсадида тут кўчатлари экиш учун 10 гектардан кам бўлмаган ер участкаси ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига конлар ва истиқболли майдонларнинг хом ашё негизда қурилиш материалларининг янги корхоналарини ташкил этиш бўйича таклифлар тақдим этсин.

9. «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси аҳолини ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни барқарор таъминлаш учун хом ашё базаси яратиш мақсадида:

2010 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда — маҳсулот сақлаш қувватини 6100 тоннагача етказган ҳолда «Наманган гўшт сут савдо» акциядорлик жамиятининг совитиладиган омборларидаги мева-сабзавот сақлаш жойларини босқичма-босқич реконструкция қилишни;

2011 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда — Янгиқўрғон туманидаги «Ж. Охунов — Ш. Юлдузи» ҳамда «Тикланиш — Нанай боғбонлари» агрофирмалари бинолари негизда маҳсулот сақлаш қуввати 4000 тоннагача бўлган мева-сабзавот сақлаш омбори қурилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасига — ишлаётган мева-сабзавот сақлаш омборларини реконструкция қилиш ва янги омборлар ташкил этиш учун, шунингдек «Мевасабзавоттайёрловсавдо» масъулияти чекланган жамиятга — мева-сабзавот омборларини реконструкция қилиш ва замонавий совитиш ускуналари билан жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича кредит беришда белгиланган тартибда кўмаклашсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурининг амалга оширилиши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисида кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 август,
232-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**370 Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Илмий ходимларнинг илмий тадқиқотларни ишлаб чиқишга ва олинган натижаларни амалиётга жорий этишга қўшган илмий ва меҳнат ҳиссасига қараб уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи бошқа вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, ташкилотлар:

ўзларига илмий-тадқиқот ишланмаларини бажариш учун ажратиладиган бюджет маблағларини ҳисоблаш ва тақсимлашда илмий ва раҳбар ходимлар базавий лавозим маошларининг ушбу қарор билан тасдиқланган миқдорларига қатъий амал қилсинлар;

илмий ходимларни моддий рағбатлантиришни, шу жумладан иқтисодиёт тармоқларида илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш самардорлигини ошириш, бюджет маблағларини тежаш ва хўжалик ҳисобидаги фаолиятни амалга оширишдан олинadиган бюджетдан ташқари даромадларни кўпайтириш ҳисобига янада кучайтириш бўйича тизимли асосда чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда илмий-техника дастурларини бажарувчи ташкилотлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 5 фоизи миқдоридан илмий ходимларни моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

ташкил этилаётган жамғармалар маблағлари ҳисобига алоҳида ўрناк кўрсатган, илмий-техника дастурларини амалга оширишга аниқ меҳнат ва илмий ҳисса қўшган илмий ходимлар моддий рағбатлантирилади;

илмий ходимларни моддий рағбатлантириш улар учун йилига 2 тадан

5 тагача базавий лавозим маошлари миқдорида бир йўла тўланадиган мукофотлар белгилаш йўли билан Илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳузуридаги илмий кенгаш қарорларига биноан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги икки ҳафта муддатда Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқласинлар, унда илмий ходимларни мукофотлашнинг илмий-техника дастурларини ишлаб чиқишга, шунингдек тадқиқотлар натижаларидан иқтисодий тармоқларида фойдаланишга улар қўшган аниқ ҳисса даражасини ҳисобга оладиган асосий мезонлар белгиланишини назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 август,
233-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 18 августдаги 233-сон қарорига
ИЛОВА

**Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий
тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника
дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-
тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг
базавий лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	416 030
	фан доктори	399 129
	фан номзоди	382 319

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	382 319
	фан доктори	368 736
	фан номзоди	352 239
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири	
	фан доктори ёки профессор	368 736
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	352 239
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	338 747
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	352 239
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	338 747
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	325 181
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	352 239
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	338 747
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	325 181
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	338 747
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	325 181
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	309 132
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	309 132
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	293 266
	илмий даражага эга бўлмаган	277 754
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	293 266
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	277 754
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	262 371
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	231 492

Изоҳлар:

Институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг илмий даражага эга бўлмаган директорига базавий лавозим маоши фан номзоди даражасида белгиланади.

Профессор илмий унвони бўлган фан номзоди илмий даражасига эга бўлган бош ва етакчи илмий ходимларга маош катта илмий ходим унвони-

га эга бўлган фан докторининг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.

Профессор илмий унвонига эга бўлган бош ва етакчи илмий ходимларга маош катта илмий ходим унвонига эга бўлмаган фан докторининг базавий лавозим маоши даражасида белгиланади.

Илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлимлари) мудирлари ўринбосарларига базавий лавозим маоши уларга берилган илмий даражаларга ва унвонларга мувофиқ илмий-тадқиқот лабораториялари (бўлимлари) мудирлари маошига нисбатан 5 фоизга камайтирилган миқдорда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида лойиҳалар раҳбарлари лавозимлари ёки шунга ўхшаш лавозимлар назарда тутилган ҳолларда ушбу лавозимларга бўлимлар мудирларининг базавий лавозим маошлари белгиланади.

Илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга оширишга харажатлар қиймати калькуляциясини шакллантиришда илмий ва раҳбар ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ 2009 йил 1 январдан бошлаб базавий лавозим маошларининг тасдиқланадиган миқдорлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисидаги Фармонлари қабул қилиниши муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

371 Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика истеъмол бозорини, шу жумладан таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига ҳамда миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республика таълим муассасаларини ёзув дафтарлари билан таъмин-

лашни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда Дастур, деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилиши учун тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Дастурнинг бажарилиши юзасидан тегишли мониторинг ўрнатсин ва амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига 2-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 август,
234-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 18 августдаги 234-сон қарорига
1-ИЛОВА

371-модда

**Республика таълим муассасаларини ёзув дафтарлари билан таъминлашни
такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Бажариш мuddати	Бажариш учун масъуллар	Чора-тадбирларни амалга ошириш механизми
I. Ишлаб чиқарилаётган ёзув дафтарлари сифатини ошириш				
1.1	Амалдаги TSt 29-011:2005 «Умумий дафтарлар. Техникавий шартлар» ва TSt 29-036:2007 «Мактаб дафтарлари. Техникавий талаблар» стандартларига дафтарларни безатишда таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳамда миллий қадриятларимизга зид, ўсиб келаётган ёш авлод онги, тафаккури ҳамда тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган маълумотлар акс эттирилиши мумкин эмаслигини инobatга олган ҳолда белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	2009 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тегишли стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича меъёрий ҳужжат
1.2	Ёзув дафтарлари учун гигиеник талабларни белгилловчи санитария қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.	2009 йил сентябрь	Республика санитария-эпидемиология назорати маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги	Санитария-гигиена нормалари ва қоидалари
II. Ёзув дафтарлари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш				
2.1	Ёзув (шу жумладан кундалик, расм) дафтарларини безатишнинг таълим жараёни талабларига жавоб беришини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳини ташкил қилиш.	2009 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	Идоралараро ҳаракат дастурини тасдиқлаш

— 14 —

34 (378) -сон

Т/р	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Чора-тадбирларни амалга ошириш механизми
2.2	Ўзув (шу жумладан кундалик, расм) дафтарлари сифатини назорат қилишда, хом ашёни қабул қилишда ва уларни ишлаб чиқаришда тегишли талабларга риоя этиш бўйича соҳа мутахассисларини ўқитиш курсларини ташкил этиш.	Доимий равишда	Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш институти, ўзув дафтарлари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар	Идоралараро келишилган иш режаси дастури
III. Ўзув дафтарлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш				
3.1	Ишлаб чиқарувчилар ўзув (шу жумладан кундалик, расм) дафтарларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган қоғоз бўйича қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш, шунингдек импорт қилинадиган бошқа хом ашё, технологик асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар бўйича божхона тўловларини мақбуллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритиш.	2009 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси	Тегишли қарор лойиҳаси
3.2	Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида дафтар ва бошқа идора маҳсулотларини республикага олиб киришда тўланадиган божхона тўловларини мақбуллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2009 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси	Тегишли қарор лойиҳаси
IV. Миллий маънавиятга зид ҳамда сифатсиз ўзув дафтарларининг республикага келтирилишининг олдини олиш ва уларнинг сотилишини тақиқлаш				
4.1	Миллий маънавиятимизга, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига зид бўлган ахборотга, дизайнга эга бўлган ва меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган ўзув дафтарларининг республикамизга келтирилишининг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш ҳамда ички бозорни бундай маҳсулотлардан тозалаш.	Тегишли механизмлар жорий этилгандан сўнг доимий равишда	Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар хокимликлари	Вазирлик ва идоралар ҳамкорлигидаги тадбирлар режаси

Т/р	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Чора-тадбирларни амалга ошириш механизми
4.2	Сотувга чиқарилган ўқув анжомлари сифати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш.	Доимий равишда	Матбуот ва ахборот агентлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси	Мониторинг тадбирлари
4.3	Республика ҳудудига ёзув дафтарлари ва бошқа идора маҳсулотлари ноқонуний келтирилишининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш.	Доимий равишда	Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитаси	Тадбирлар режаси
4.4	Ноқонуний йўллар билан республикага келтирилган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган ёзув (шу жумладан кундалик, расм) дафтарларини ва бошқа идора маҳсулотларини республикамиз бозорларида сотилишини тақиқлаш чора-тадбирларини кучайтириш.	Доимий равишда	Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги	Тадбирлар режаси
V. Миллий маънавиятга зид ҳамда сифатсиз ёзув дафтарларидан республика таълим муассасаларида фойдаланишни тақиқлаш ишларини кучайтириш				
5.1	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан миллий маънавиятимизга, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига жавоб берадиган ёзув (шу жумладан кундалик, расм) дафтарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.	2009 йил август ойидан бошлаб доимий равишда	Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	Ёзув (шу жумладан кундалик, расм) дафтарлари ишлаб чиқариш
5.2	Таълим муассасаларида маънавиятга зид ҳамда сифатсиз дафтарлардан фойдаланмаслик бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.		Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Комплекс чора-тадбирлар
5.3	Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш.		Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания	Телевидение, радио ҳамда босма оммавий ахборот воситаларида кўрсатувлар, рукнлар, мақолалар ва ҳ. к.
5.4	Ёзув дафтарлари безакларининг мазмун-моҳияти бўйича алоҳида талабларни ишлаб чиқиш ва таълим муассасалари раҳбарлари, ота-оналар ҳамда ўқувчи-талабаларга етказиш.		Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Тегишли талаблар рўйхати, ота-оналар, ўқувчи-талабалар билан учрашувлар, суҳбатлар

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 18 августдаги 234-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига киритилаётган қўшимча

Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қуйидаги таҳрирдаги 40-1 позиция қўшилсин:

40-1.	Ёзув, кундалик, расм дафтарлари	4820 10 500 0, 4820 20 000 0
-------	---------------------------------	---------------------------------

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

372 2009 — 2011 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПҚ–1050-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва шу асосида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2009 — 2011 йиллар даврида республика минтақалари ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари бўйича ноозиқ-овқат

истеъмол товарларининг асосий турларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари 1, 1а ва 1б иловаларга* мувофиқ;

2009 — 2011 йиллар даврида ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи асосий корхоналар бўйича модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда 1, 1а, 1б ва 2-иловаларда кўрсатилган мақсадли параметрлар асосида маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ҳудудий дастурларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

3. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, хўжалик бошқаруви органлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда 2-иловага киритилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланиши ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2-иловага киритилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш жадвалини тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорга 2-иловага киритилган тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳалари, шу жумладан тайёр тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида янгидан ташаббус кўрсатиладиган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан хорижий инвестор ўртасида белгиланган тартибда тузиладиган инвестиция шартномаси асосида амалга оширилади.

Инвестиция шартномасида қонун ҳужжатларида белгиланган шартлардан ташқари божхона тўловларидан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар рўйхати кўрсатилади, шунингдек хорижий инвесторнинг қуйидаги қўшимча мажбуриятлари назарда тутилади:

четдан келтириладиган асбоб-ускуналарни лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишида белгиланган муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланишга топшириш;

асбоб-ускуналар фойдаланишга топширилган кундан бошлаб икки йил мобайнида ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги қувватига чиқиш;

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

тикув-трикотаж ва тўқимачилик ишлаб чиқаришларнинг ишлаб чиқариш қувватини беш йил мобайнида камида 70 фоиз, калава ишлаб чиқариш қувватини камида 85 фоиз даражасида сақлаш;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг камида 70 фоизини экспортга сотиш;

янги иш ўринлари ташкил этиш.

Хорижий инвестор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан уни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Тузилган инвестиция шартномаси шартлари хорижий инвестор томонидан бажарилмаган тақдирда имтиёзлар ва преференциялар берилиши натижасида бўшаган маблағлар тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги инвестиция шартномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги енгил саноат корхоналари қуриш, уларни қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилишга доир таклифларни кўриб чиқиш бўйича Идоралараро эксперт кенгашининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзенгсанлойиха» масъулияти чекланган жамиятнинг асбоб-ускуналарнинг сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган техник параметрлари тўғрисидаги тегишли хулосалари асосида қабул қилинган ижобий қарорини ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда тузсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги енгил саноат корхоналари қуриш, уларни қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилишга доир таклифларни кўриб чиқиш бўйича Идоралараро эксперт кенгаши Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ 2009 — 2011 йиллар даврида тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхатига янги лойиҳаларни киритиш ёки лойиҳаларни маъқулланган рўйхатдан чиқариш бўйича таклифлар киритсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 январдаги ПҚ–1050-сон қарорига мувофиқ уларга нисбатан божхона божларидан озод қилиш бўйича имтиёзларнинг амал қилиши жорий этиладиган (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилаётган корхоналар томонидан рес-

публикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинадиган бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоротекс» ОАЖни модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 февралдаги ПҚ–798-сон қарорига мувофиқ «ДЭУ Текстиль Бухоро» хорижий корхонаси томонидан ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун келтириладиган ва божхона тўловларидан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) янги технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, техник жиҳозлар, бутловчи буюмлар, материаллар ва бошқа моддий ресурслар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан гайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 23 июндаги ПФ–3267-сон Фармонида назарда тутилган имтиёзлар «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг корхоналари томонидан импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғи тўлашга ҳам татбиқ этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги:

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, манфаатдор хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш тизимлари жорий этилишининг жорий ҳолатини пухта ўрганиб чиқсин;

уч ой муддатда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхонада ва хўжалик бошқаруви органларида сифатни бошқариш тизимларини жадал жорий этиш юзасидан кўшимча комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2009 йил 1 ноябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 август,
236-сон

* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING
ҚАРОРИ**374** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг давлат ахборот ресурсларини ҳамда интерактив давлат хизматларини ҳисобга олишни такомиллаштиришга оид айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Давлат ахборот ресурсларини ҳамда интерактив давлат хизматларини ҳисобга олишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

тегишли давлат ахборот ресурслари ҳамда интерактив давлат хизматлари шакллантирилишини, улардан фойдаланилишини ва уларнинг ўз вақтида қўллаб-қувватланишини ва янгилианишини таъминласинлар;

заруриятга кўра давлат органларининг ишлатилаётган ахборот тизимларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 август,
239-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 20 августдаги 239-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига кейинчалик Рўйхатга

киритиш учун йил мобайнида шакллантирилган давлат ахборот ресурслари бўйича ахборот киритсинлар»;

б) 3-банддаги «ҳар йили 1 февралгача» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатида:

4-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 4-1 — 4-3-позициялар қўшилсин:

4-1.	Солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкалари реестри	Давлат солиқ қўмитаси
4-2.	Солиқ декларациялари реестри	
4-3.	Молия ва солиқ ҳисоботи реестри	

36-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 36-2-позиция қўшилсин:

36-2.	Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг ҳамда талабаларининг битирув малака ишлари ва магистрлик диссертациялари маълумотлар базаси	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
-------	--	--

39-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 39-1-39-2-позициялар қўшилсин:

39-1.	Озонни бузувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқишни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базаси	Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
39-2.	Маҳсулотлар ва чиқиндиларни экологик экспертизадан ўтказиш маълумотлар базаси	

қуйидаги мазмундаги 51-2-позиция қўшилсин:

51-2.	Асосий хом ашё товарлари котировкалари маълумотлар базаси	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
-------	---	--

83-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 83-1 — 83-3-позициялар қўшилсин:

83-1.	Божхона юк декларацияси маълумотлар базаси	Давлат божхона қўмитаси
83-2.	Рўйхатдан ўтказилган ташқи савдо контрактлари бўйича маълумотлар базаси	
83-3.	Давлат чегараси орқали ўтаётган транспорт воситалари бўйича маълумотлар базаси	

қуйидаги мазмундаги 116 — 123-позициялар қўшилсин:

116.	Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона маълумотлар базаси	Давлат-тижорат Халқ банки
117.	Малака тоифалари тўғрисида сертификат олган Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари педагоглари реестри	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
118.	Аккредитация қилинган таълим муассасалари тўғрисидаги реестр	
119.	Юридик шахсларга темир йўл транспорти объектлари, маҳсулотлари ва технологияларини уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги	Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва

	юзасидан берилган қабул қилиш хулосалари реестри	Йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
120.	Миллий ва хорижий ахборот ресурслари маълумотлар базаси	Ўзбекистон миллий кутубхонаси
121.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тайёр илмий-техник ишланмалари маълумотлар базаси	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда):

- а) 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ҳар йили 1 декабргача» сўзлари чиқариб ташлансин;
- б) 4-банддаги «ҳар йили 1 февралгача» сўзлари чиқариб ташлансин;
- в) Базавий интерактив давлат хизматлари реестрида:

4-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 4-1 — 4-5-позициялар қўшилсин:

4-1.	Давлат нотариал идоралари ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланаётган нотариуслар идоралари реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш	Адлия вазирлиги
4-2.	Адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюrolари, адвокатлик фирмалари, адвокатлар ҳайъатлари, юридик маслаҳатхоналар реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш	
4-3.	Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бирлашмалари реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш	
4-4.	Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатига олиш реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш	
4-5.	Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестри тўғрисида маълумотлар тақдим этиш	

24-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 24-1-позиция қўшилсин:

24-1.	Электрон солиқ декларацияларини қабул қилиш ва уларни умумлаштириш	Давлат солиқ қўмитаси
-------	--	-----------------------

27-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 27-1-позиция қўшилсин:

27-1.	Товарларни ишлаб чиқарувчилардан олинган товарларнинг айрим турлари экспорт нархлари бўйича ахборот бериш	Давлат божхона қўмитаси
-------	---	-------------------------

40-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 40-1-40-2-позициялар қўшилсин:

40-1.	Радиочастоталарнинг тақсимланиши бўйича ахборот бериш	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
40-2.	Давлат органларининг интерактив давлат хизматлари тўғрисида ахборот бериш	

43-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 43-1-позиция қўшилсин:

43-1.	Виза анкеталарини электрон тарзда қабул қилиш	Ташқи ишлар вазирлиги
-------	---	-----------------------

қуйидаги мазмундаги 50 — 84-позициялар қўшилсин:

50.	Авиакомпания томонидан реал вақт режимида кўрсатилаётган хизматлар сифатини аниқлаш учун анкета	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК
51.	Олиб кирилаётган ва олиб чиқиляётган озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган моддалар тўғрисида ахборот бериш	Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
52.	Экология сертификати бериш бўйича ахборот бериш	
53.	Ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар бўйича ахборот бериш	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
54.	Маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган органлар тўғрисида ахборот бериш	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
55.	Аккредитация қилинган синов (ўлчов) лабораториялари бўйича ахборот бериш	
56.	Автомобиль ва дарё транспортида йўловчилар ва юк ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича ахборот тақдим этиш	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
57.	Янги илмий лойиҳалар бўйича танловга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида бажарилган илмий ишланмалар тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақида ахборот бериш	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
58.	Кредит ташкилотлари (банклар, кредит уюшмалари, ломбардлар, микрокредит ташкилотлари), шунингдек қимматли қоғозлар бланкаларини тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар тўғрисида ахборот бериш	Марказий банк
59.	Кредитлар, микрокредитлар бериш бўйича, шунингдек халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банкларнинг кредит линиялари тўғрисида ахборот тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари
60.	Банк омонатлари бўйича ахборот бериш	
61.	Банк карталари бериш бўйича ахборот тақдим этиш	

62.	Карточкалар, терминаллар, банкоматлардан фойдаланиш, терминалларни ўрнатиш, таъмирлаш ва алмаштириш бўйича ахборот бериш	
63.	Илмий лойиҳалар танловига берилаётган буюртманомаларни рўйхатдан ўтказиш	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси
64.	Инновацион илмий ишланмалар, илмий лойиҳалар танловлари, шунингдек илмий ва илмий-техник тадбирлар режалари тўғрисида ахборот бериш	
65.	Инновацион маҳсулотлар ярмаркасида қатнашиш учун буюртманомаларни рўйхатдан ўтказиш	
66.	Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида ахборот бериш	Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
67.	Пахта маҳсулотлари ташқи кўриниши стандарт намуналарига буюртмалар қабул қилиш тўғрисида ахборот бериш	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази
68.	Қуйидагилар: ички ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташиш; ҳаво йўналишларида йўловчилар ва юк ташиш билан боғлиқ аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш; авиация ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш юзасидан ахборот тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
69.	Ички ва халқаро йўналишларда темир йўл транспортда юк ва йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш юзасидан ахборот тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
70.	Юридик шахсларга объектларни, маҳсулотлар ва технологияларни уларнинг белгиланган стандартларга мувофиқлиги юзасидан берилган қабул қилиш хулосалари бўйича ахборот бериш	
71.	Ғаллани, дуккакли донларни, ёғли экинлар ҳосилини ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини сертификатлаш, ғаллани ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини текшириш тартиби, ушбу тармоқда синов воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш тўғрисида ахборот бериш	Давлат дон инспекцияси
72.	Энергетик текшириш ва экспертиза ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш, шунингдек истеъмол объектларининг энергия таъминоти лойиҳаларини келишиб олиш бўйича ахборот бериш	Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси

73.	Энергетик текшириш ва экспертиза ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини бериш	
74.	Давлат киностудиялари томонидан тайёрланган аудиовизуал асарлар тўғрисида ахборот бериш	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
75.	Кино, видеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва прокатга бериш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш юзасидан ахборот тақдим этиш	
76.	Электрон каталогдан, миллий ва хорижий электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш, адабиётларга буюртма бериш	Ўзбекистон миллий кутубхонаси
77.	Шаҳар транспорти йўналишлари тўғрисида ахборот бериш	«Тошшаҳартранс-хизмат» уюшмаси
78.	Электрон темир йўл чипталарини банд қилиш ва сотиш хизматлари кўрсатиш, поездларда йўл ҳақи нархи тўғрисида ахборот бериш	«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси
79.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида темир йўлда юришда имтиёзлар тўғрисида ахборот бериш	
80.	Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун табиий газдан фойдаланиш тарифлари ҳамда табиий газ билан таъминлаш тармоқларига сервис хизмати кўрсатиш учун аризаларнинг электрон шакллари тўғрисида ахборот бериш	«Ўзбекнефтгаз» МХК
81.	«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси заводларида ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотлари рўйхатини тақдим этиш	
82.	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, шу жумладан истеъмол товарлари, шартномаларнинг намунавий шакллари, истеъмол товарларининг доимий янгилаб бориладиган прайс-варақлари тўғрисида ахборот бериш	«Олмалиқ КМК» АЖ
83.	Рух ва кўргошин концентратини қайта ишлаш хизматлари кўрсатиш, етказиб бериладиган концентрат сифатига, намунавий контракт шаклига қўйиладиган талаблар тўғрисида ахборот бериш	
84.	Лизинг хизматлари тўғрисида ахборот бериш	«Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг» компанияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

375 Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Истеъмолчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 август,
241-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 21 августдаги 141-сон қарорига
1-ИЛОВА

Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига киритилаётган қўшимчалар

1. 30-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 30-1-позиция қўшилсин.

30-1.	Казеин, казеинатлар ва казеиннинг бошқа ҳосилалари; альбумин, альбуминат ва альбуминнинг бошқа ҳосилалари; желатин (елимшак) ва желатиннинг ҳосилалари; пептон ва унинг ҳосилалари; оқсил моддалар ва уларнинг бошқа ҳосилалари; декстрин ва бошқа модификацияланган крахмаллар; ферментлар; фермент препаратлари	3501 10 900 0**; 3502 11 900 0**; 3502 19 900 0**; 3503 00 100**; 3504 00 000 0**; 3505 10 900 0**; 3507**.
-------	---	---

2. Изоҳга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«** фақат озиқ-овқат саноатида, фармацевтика маҳсулотлари ва моллар учун озуқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиганлари».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

376 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ–4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1995

(2009 йил 28 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ–4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ–4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 31 октябрдаги 59 ва 105-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ–4042-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1867, 2008 йил 5 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 44-45 сон, 450-модда) қарори 2009 йил 1 августдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 август,
50-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 август,
82-сон

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил
11 августдаги 50, 82-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил
8 июлдаги ПФ–4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини
ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни
қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ–4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2009 йилнинг 1 августидан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

- а) иш ҳақи — ойига 33 645 сўм;
- б) ёшга доир пенсиялар — ойига 66 660 сўм;
- в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 66 660 сўм;
- г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 40 375 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади (33 645 сўм х 8 = 269 160 сўм).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглашти-

риш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пенсиянинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (33 645 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қўйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 66660 сўм, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 33 330 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 33 645 сўмдан 121 200 сўмгача (III гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 111 100 сўмгача) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қўйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори ойига 66 660 сўм миқдорда, III-гуруҳ ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 33 330 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Қолган тоифадаги пенсионерларнинг пенсияларини қайта ҳисоблаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

пенсияларни ҳисоб-китоб қилиш учун янги энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи олинади (269 160 сўм);

ҳисоблаб топилган ўртача иш ҳақи пенсияни ҳисоблашда қабул қилинган пенсионер иш стажининг миқдorigа боғлиқ фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (33645 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли «Иш
хақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий
нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги
Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоб-
лаш тартиби тўғрисида йўриқномага
ИЛОВА

**Пенсияларни қайта ҳисоблашда ўртача ойлик иш
ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган
ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Даврлар	Коэфф.	Даврлар	Коэфф.
1971 йил йилга қадар	1461,5604	1994 йил 1 июлдан	718,1646
1971 йил	1424,3736	1994 йил 1 августдан	588,7301
1972 йил	1388,9929	1994 йил 1 сентябрдан	511,8163
1973 йил	1344,5639	1994 йил 1 ноябрдан	397,1173
1974 йил	1254,3684	1995 йил 1 январдан	397,1173
1975 йил	1226,8425	1995 йил 1 мартдан	201,0311
1976 йил	1200,5185	1995 йил 1 сентябрдан	154,7903
1977 йил	1167,1983	1996 йил 1 январдан	154,7903
1978 йил	1127,9540	1996 йил 1 апрелдан	115,0659
1979 йил	1105,7394	1996 йил 1 сентябрдан	80,2949
1980 йил	1077,3669	1997 йил 1 январдан	80,2949
1981 йил	1057,0826	1997 йил 1 июлдан	55,9045
1982 йил	1056,9614	1998 йил 1 январдан	55,9045
1983 йил	1037,5213	1998 йил 1 июлдан	40,6921
1984 йил	1037,4026	1999 йил 1 январдан	33,3260
1985 йил	1024,8434	1999 йил 1 августдан	25,9596
1986 йил	1012,5294	2000 йил 1 августдан	16,9058
1987 йил	988,6218	2001 йил 1 августдан	12,0769
1988 йил	923,5416	2002 йил 1 апрелдан	10,5020
1989 йил	866,3108	2002 йил 1 августдан	9,1305
1990 йил	781,7936	2003 йил 1 майдан	7,6089
1991 йил	539,4666	2004 йил 1 августдан	5,8534
1992 йил 1 январдан	159,5006	2005 йил 1 майдан	4,8770
1992 йил 1 июлдан	74,6165	2005 йил 1 октябрдан	4,0640
1992 йил 1 октябрдан	35,8635	2006 йил 1 июлдан	3,3868
1993 йил 1 январдан	26,4450	2006 йил 1 ноябрдан	2,8224
1993 йил 1 апрелдан	18,9604	2007 йил 1 августдан	2,2579
1993 йил 1 июндан	8,0918	2007 йил 1 ноябрдан	2,0526
1993 йил 1 июлдан	5,1961	2007 йил 1 декабрдан	1,8815
1993 йил 1 сентябрдан	3,9851	2008 йил 1 апрелдан	1,6800
1993 йил 1 ноябрдан	2,4189	2008 йил 1 сентябрдан	1,4000
1994 йил 1 январдан	1,8119	2008 йил 1 ноябрдан	1,3250
1994 йил 1 мартдан	1,0869	2008 йил 1 декабрдан	1,2500
1994 йил 1 июндан	0,7256	2009 йил 1 августдан	1,0000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

377 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла учун ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 657-5

(2009 йил 28 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 158-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 8 февралда 10-04, 115-В-сон билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла учун ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш Тартиби»га (рўйхат рақами 657, 1999 йил 1 март) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 июль,
77-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 июль,
20/5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

378 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-1

(2009 йил 29 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 51-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 126-модда) билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида»ги низомнинг 40-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Акцияларнинг давлат пакетларини ишончли бошқаришга битим (шартнома) Давлат мулки қўмитаси ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончли бошқариш ҳуқуқини олган шахс ўртасида рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда тузилади».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 август,
2009-42-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

379 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1627-1*

(2009 йил 29 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сонли «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 154-модда) ва 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-гадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 158-модда) ва 2009 йил 31 мартдаги 90-сонли «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-гадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 159-модда) қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 19 сентябрдаги 82, 281-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низом»га (рўйхат рақами 1627, 2006 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 404-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 июль,
78-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 июль,
20/4-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

380 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамфармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 612-5

(2009 йил 29 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сонли «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 154-модда) ва 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сонли «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 158-модда) ва

2009 йил 31 мартдаги 90-сонли «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 159-модда) қарорларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 28 январда тасдиқланган 10, 116-В-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисобкитоб Жамғармаси тўғрисидаги низом»га (рўйхат рақами 612, 1999 йил 28 январь) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 июль,
76-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 31 июль,
20/6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 15 августдан 21 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 11 августдаги 50, 82-сонли қарори.*

2009 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1995 (2009 йил 28 августдан кучга киради).

2. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан топширилган ғалла учун ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 31 июлдаги 77, 20/5-сонли қарори.*

2009 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 657-5 (2009 йил 28 августдан кучга киради).

3. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 5 августдаги 2009-42-сонли буйруғи.*

2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-1 (2009 йил 29 августдан кучга киради).

4. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун ғалла ва ун сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 31 июлдаги 78, 20/4-сонли қарори.*

2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1627-1 (2009 йил 29 августдан кучга киради).

5. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 31 июлдаги 76, 20/6-сонли қарори.*

2009 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 612-5 (2009 йил 29 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1867, 2008 йил 5 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 18 августдаги 177-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

